

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
ЭКОФУРИЛ®
ESOFURIL®

Препаратнинг савдо номи: Экофурил®

Таъсир этувчи модда (ХПН): нифуроксазид

Дори шакли: 100 мг ва 200 мг ли капсулалар.

Таркиби:

100 мг доза учун:

фаол модда:

нифуроксазид 100,0 мг

ёрдамчи моддалар: лактулоза - 300,0 мг, микрокристалл целлюлоза - 23,0 мг, картошка крахмали - 9,0 мг, магний стеарати - 4,0 мг, сахароза капсуланинг ичидаги масса бўлгунича - 460,0 мг.

№0 ўлчамли қаттиқ желатин капсулалар [желатин (100 % гача, сув (14-15 %), хинолин сариғи бўёвчиси (0,5834 %), қуёш шафақи бўёвчиси (0,0026 %), титан диоксиди (0,9740 %)];

200 мг доза учун:

фаол модда:

нифуроксазид 200,0 мг

ёрдамчи моддалар: лактулоза - 300,0 мг, микрокристалл целлюлоза - 58,0 мг, картошка крахмали - 18,0 мг, магний стеарати - 6,0 мг, сахароза капсуланинг ичидаги масса бўлгунича - 630,0 мг.

№00 ўлчамли қаттиқ желатин капсулалар [желатин (100 % гача), сув (14-15 %), қопқоғи: пунц бўёвчиси [Понсо 4R] (0,079801 %), патентланган кўк бўёвчиси (0,00165 %), қуёш шафаси бўёвчиси (0,093301 %), титан диоксиди (0,813158 %), корпуси: хинолин сариғи бўёвчиси (0,583356 %), қуёш шафақи бўёвчиси (0,002565 %), титан диоксиди (0,974035 %)].

Таърифи

№0 ўлчамли сариқ рангли қаттиқ желатин капсулалар (100 мг ли доза учун) ва №00 корпуси сариқ рангли ва қопқоғи тўқ сариқ рангли қаттиқ желатин капсулалар. Капсуланинг ичидагиси: оқ доғлари бўлган сариқ рангли грануляция қилинган кукун.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Микробларга қарши восита - нитрофуран.

АТХ коди: А07АХ03

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Кенг таъсир доирасига эга микробларга қарши восита – 5-нитрофуран ҳосиласи. Меъда-ичак йўлларида инфекцияларини даволаш учун ишлатилади. Нифуроксазид бактерия хужайраси дегидрогеназаларнинг фаоллигини блоклайди ва нафас олиш реакцияларидаги кимёвий занжирлар, трикарбон кислоталари циклини ва бошқа биокимёвий реакцияларни сусайтиради. Сезгир бактерияларнинг мембраналарини парчалайди, микроорганизмлар томонидан токсинларни ишлаб чиқарилишини пасайтиради. Иммунитетни фаоллаштиради, фагоцитларнинг фаоллигини ва комплемент титрини оширади.

Граммусбат микроорганизмлар:

Staphylococcus spp.;

Streptococcus spp.;

ва грамманфий микроорганизмлар:

Salmonella spp.;
 Klebsiella spp.;
 Enterobacter spp.;
 Escherichia coli;
 Shigella spp.;
 Proteus spp.;
 Haemophilus influenzae;
 Campilobacter spp.;
 Edwardsiella spp.;
 Citrobacter spp.;
 Vibrio cholerae;

Yersinia enterocolitica га нисбатан самаралидир.

Нифуроксазид одамнинг ичак микрофлораси нормал бўлганида ҳолатига таъсир кўрсатмайди. Ўткир бактериал диареяда ичак эубиозини тиклайди. Инфекция энтеротроп вируслар томонидан чақирилганда бактериал суперинфекцияни ривожланишига тўсқинлик қилади.

Фармакокинетикаси

Ичга қабул қилинганидан кейин, нифуроксазид меъда-ичак йўлларида деярли сўрилмайди ва тизимли таъсир кўрсатмайди. Бактерияларнинг сезгир турларига нисбатан антибактериал фаолликни фақат ичак ичида намоён қилади. Ичак орқали ўзгармаган ҳолда чиқарилади. Элиминация тезлиги препаратнинг дозасига ва меъда-ичак йўлларидаги ҳаракатига боғлиқ.

Қўлланилиши

- Инфекцион генезли (гижжали инвазия белгиларисиз) ўткир ва сурункали диарея;
- Сурункали колит ва энтероколитларда қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Нифуроксазидга, препаратнинг бошқа компонентларига, бошқа 5-нитрофуран ҳосилаларига юқори сезувчанликда;
- Сахараза/изомальтаза танқислиги, фруктозани ўзлаштиролмастик, глюкозо-галактоз мальабсорбция синдроми.
- 3 ёшгача бўлган болаларда (шу дори шакли учун) қўллаш мумкин эмас.

Қўллаш усули ва дозалари

Ичга қабул қилиш учун мўлжалланган.

Катталар ва 7 ёшдан ошган болалар: 100 мг ли 2 капсуладан ёки 200 мг ли 1 капсуладан суткада 4 марта (суткада 800 мг) буюрилади.

3-7 ёшли болалар: 100 мг ли 2 капсуладан ёки 200 мг ли 1 капсуладан суткада 3 марта (суткада 600 мг) буюрилади.

Нифуроксазид билан даволаш давомийлиги – кўпи билан 7 суткани ташкил этади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Нифуроксазидни бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири тўғрисида маълумотлар чоп этилмаган.

Махсус кўрсатмалар

Диареяни даволашда нифуроксазид билан бир вақтда, пациентнинг ҳолати ва диареянинг давомийлигига қараб равишда регидратацион даволашни (перорал ёки вена ичига) ўтказиш лозим.

Нифуроксазид билан даволаш вақтида алкоголь истеъмол қилишга рухсат берилмайди.

Ҳомиладорликда ва эмизиш даврида қўлланиши

Ҳомиладорликда ҳомилага нохуш таъсири юзасидан маълумотлар йўқ. Зарурат туғилганида препаратни ҳомиладор ва эмизикли аёлларга эҳтиёткорлик билан буюриш мумкин.

Транспорт воситаларини бошқариш ва диққатни юқори жамлаш ҳамда психомотор реакциялар тезлигини талаб этувчи ишларни бажариш қобилиятига таъсири.

Препарат транспорт воситаларини ва/ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилишини специфик симптомлари таърифланмаган. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамнинг Стандарт шошилиш чораларини ўтказиш тавсия қилинади.

Чиқарилиш шакли

100 мг ёки 200 мг капсулалар.

10 капсула (100 мг дозали) ёки 8 капсула (200 мг дозали) дан поливинилхлорид плёнка ва чоп этилган лакланган алюмин фольгали контур уяли ўрамларда

3 контур уяли ўрам (100 мг доза учун) ёки 2 контур уяли ўрам (200 мг доза учун) лар қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

5 йил.

Яроқлилиқ муддати тугаганидан сўнг ишлатилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Шифокор рецептсиз.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилган юридик шахс/эътирозларни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили

«АВВА РУС» АЖ, Россия, 121614, Москва ш., Крылатские Холмы кўч., уй. 30, корп. 9

Тел.: +7 (495) 956-75-54.

avva-rus.ru

Ишлаб чиқарувчи

«АВВА РУС» АЖ, Россия, 610044, Киров вил., Киров ш., Луганская кўч., 53а

Тел.: +7 (8332) 25-12-29.

avva.com.ru

ecoantibiotic.ru

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

"WEX PHARM CONSULT" МЧЖ

Тошкент ш., Мирзо-Улугбекский тумани, Катта Дархон кўч., 13

тел: 99895 1980191